Ёдномалар

# Жулқунбойнинг боғи



Боғимиз текислик ерда эмас; терак бўйи чуқурликдан оқувчи Чақар ариғи ва Бўз сувларнинг қўшилиш ерида, жар-жилғалар бўйида жойлашган; шунинг учун манзараси гўзал, томоша қилса баҳридил очиладиган, ҳордиқ чиқарадиган жойдир.

Ҳабибулла ҚОДИРИЙ.

ЯХШИЛАР яшаган жойнинг тупроғи ҳам азиз бўлади. Машҳур «Ўтган кунлар» романининг муаллифи Абдулла Қодирий ҳаёти кечган Каттабоғдаги Эшонгузар ва Самарқанд дарвозанинг Термиз томонидаги Жулқунбой боғи табаррук маскан, тарихдан ёдгор бир жаннату гулшан деб эъзозланади. Жулқунбой боғини юзлаб атоқли кишилар, минглаб мухлису ихлосмандлари зиёрат қилишган, бу боғ тиллардан тилларга ўтиб достон бўлган, бир пайтлар бу сўлим боғ харобага айланиб, бегуноҳ ёзувчи ҳақ йўлида оқлангандан кейин фарзандлари қўли билан яна гулистонга айланган.

Машҳур ёзувчимизнинг тўнғич ўғиллари Ҳабибулла ака Қодирий билан кўришганимизда, салом-аликдан сўнг жилмайиб ҳол-аҳвол сўрардилар:

— Хўш, ариқдош, сиҳат қандай, иш-юмушлар билан чарчамаяпсизми?

Ҳабибулла ака феъл-атворидаги ўзбекларга хос соддалик, самимийлик, мулойим ва оддий сўзлашувчанлик мени мафтун этарди. Ҳабибулла ака билан «ариқдош — бир ариқдан бирга сув ичган» маҳалладош эдик. Мен бу гапни шунчаки яқин бўлганим учун эмас, Жулқунбой боғини болалигимда кўрганим, бир воқеа эсимга тушгани туфайли айтаяпман.

Урушнинг оғир йиллари эди. Эшонгузарда яшардик. Самарқанд дарвозасининг Термиз кўчасида ойимнинг опалари яшашарди.

— Юр, ўғлим, холангникига бориб келамиз, мева-чева еб келасан...

Ойижоним билан суюниб йўлга чиқдик. Термиз кўчасидан ўтиб бора туриб, жарлик бўйидаги баланд оқ бинога кўзим тушди.

— Ойижон, анови қанақа уй, жуда чиройли-а, вой, отлар ҳам юрибди...

Ойим у томонга қараб, хафа бўлгандек қовоқ уйдилар-да, секин гапирдилар:

— Оқ шийпон Жулқунбой деган ёзувчининг боғи эди, меҳнаткаш, ҳалол одам эди... «Ўтган кунлар» деган китоб ёзгани учун қамашган. Ер ютгурлар, ўзини қамашгани қамашган, гулдек боғини отхона қилиб қўйишибди, бола-чақасининг нима гуноҳи бор экан.

Ҳабибулла ака «боғимиз текислик ерда эмас» деганларидек, Абдулла Қодирийнинг ҳаёт йўли ҳам, ўз қўли билан яратган боғининг тақдири ҳам «текис бўлмади». Чақар ариқ сувининг бўйидаги жар-жилға, паст-баланд, ўнқир-ўпқон, ташландиқ-чакалакзор жойда ёзувчи ҳалол пешона тери тўкиб боғу эрам яратди. «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён»дек ўлмас романларини севимли халқига ёдгор қилиб қолдирди. Абдулла Қодирий машҳур асарларини қанчалик меҳр билан ёзган бўлса, машҳур боғини ҳам шунчалар меҳнат машаққати билан бунёд этган эди.

**Марҳум Ҳабибулла Қодирий хотираларидан:**

«Апрель ойидан кунлар илиб, шаҳар ҳовлимиз гўё торлик қила бошлагандай бўларди. Қиши билан зиқланиб чиққан кўнгил аллақандай қитиқланиб, кенгликка, далага томон ошиқа бошларди. Бир неча ойлаб қунт билан ўтирган дадам ҳам ёзишни сусайтириб, аста боғ ишлари ҳаракатига тушар, кетмон дастасига қора қумғонни илиб елкага қўярди-да, рўмолга нон, қанд, қуруқ чой, пиёла тугиб, сигир етаклаб кун сайин боққа қатнай бошлар эдилар. Мен у кишига ҳамроҳ бўлардим».

Боғда эрта баҳордан иш қайнарди. Тол поялар кесиш, буташ, сихлаш, чириганлари ўрнига ишкомга янги поя қўйиш, токларни очиш, ариқ тозалаш, суваш, экинларга жой тайёрлаш, ҳамма-ҳаммасини Абдулла Қодирий боғбон бўлиб фарзандлари билан бирга бажарар эди. Далага хос тор-эгри кўчалар, боғ-ҳовлилар булбул, тўти, какку, майна, чумчуқ ва бошқа қушларнинг навосига тўлиб кетарди. Жаннатмакон ана шу боғга Қодирий 20-йилларнинг охирларида икки қаватли уй, унинг ёнига бир қаватли уйлар қурган. Асосий уйнинг биринчи қавати жой қиялик ва нотекис бўлгани учун ҳовли сатҳидан анча пастроққа жойлашган, иккинчи қаватга юқори ҳовлидан беш-олти зина билан чиқилган, уйнинг орқа томонидаги пастқамликда эса ям-яшил боғ гул-гул яшнаб, мунгли тарихдан ҳикоя айтаётганга ўхшайди.

Куни-кеча, баҳор ойи охирида Жулқунбой боғида бир неча ҳамкасб дўстларим билан ёзувчининг ўғли Маъсуд Қодирий ва набираси Шеркон Қодирий ҳамкорлигида сайр қиларканмиз, шу уй ҳақида Ҳабибулла Қодирийнинг бир суҳбатда айтган гапларини эслатдим.

**Ҳабибулла Қодирий хотираларидан:**

«Дадам, ўзбек совет ёзувчиси Абдулла Қодирий мана шу ҳовлидан 1937 йилда олиб кетилган. 1938 йилда эса.... буёғи ҳаммага маълум».

Ёзувчи ўз меҳнат ҳалоли билан қурган бу икки қаватли уй етмиш йилга яқин вақтдан бери давр шиддатига, йиллар суронига бардош бериб, ўтган кунларга гувоҳ бўлиб турибди.

**Ҳабибулла Қодирийнинг ўғли Шеркон Қодирий сўзидан:**

«Дадам Ҳабибулла Қодирий 1937 йилнинг 31 декабрида бобомни эшиклари ёпиқ турган мана шу уйдан олиб кетилганларини кўп марта, мунг билан айтиб берган эдилар... Ажаб бир синоат бўлди. Дадам оғир бетоб бўлдилар, жонлари узиладиган куни мени ҳузурларига чақириб: «Бобонг Абдулла Қодирийнинг танланган асарлари чиқмагани, шийпон-боғлари музей бўлмагани дилимда армон бўлиб кетадиганга ўхшайди», дедилар... Мен «ҳали кўп яшайсиз, ҳаммасини кўрасиз, адажон», деб тасалли бердим. Истеҳзо билан кулимсираб қўйдилар, кейин қисқа-қисқа нафас олиб: «Бобонг Қодирийни 37-йил 31 декабрда қамоққа олиб кетишган, 1 январдан етим қолган эдик, мени эса шу кеча дард олиб кетади шекилли, бахтимга ҳамманг оёққа туриб олгансизлар», дедилар ва болишга ҳорғин бош қўйдилар. Синоат шу бўлдики, дадамлар ўз оталаридан янги йилга ўтар кечаси тирик етим қолганларидек, биз ҳам 1989 йил 1 январга ўтар кечаси дадамлардан айрилиб қолдик».

Жулқунбой боғи ўша куни Абдулла Қодирийнинг ҳам шифокор, ҳам ёзувчи ўғлидан жудо бўлиб, яна мотамсаро бўлиб қолди.

Уй-ҳовлининг ўнг томонидаги боғ-ҳовли ҳам пастқам-нотекис бўлса-да, бу ернинг салобати ўзгача кўринади. Боғ юқорисида пишиқ ғиштдан қурилган, икки қаватли, ўнта ғиштин устунли оқ шийпон ярқлаб кўзга ташланади. Унинг томи қубба шаклда чорқирра қилиб, оқ тунука қопланган. Устунларнинг ҳаммаси ганждай бир хилда ўйма нақшланган.

**Ҳабибулла Қодирий хотираларидан:**

«...Ичин-ташин икки қаватли оқ тунукаванли бинолар (бу бинолар усталар қўли билан қурилган бўлса ҳам), донхона, ошхона, ўтинхона, молхона каби ёрдамчи уйларни биз болалар ёрдамида дадамнинг ўзлари қурган (у киши ғишт териш, сувоқ қилиш, бино ёпиш ишларини ҳам яхши билар эдилар), ҳатто мўрчагача қуриб битказилиб, боғимиз гўзаллашган эди. Айниқса пастки боғимиз ўртасида қурилган шийпонимиз бу гўзалликка манба каби эди».

Таъриф этишларича, шийпоннинг олди қисмида ярим таноб ер бўлиб, унда турфа гуллар очилиб ётар, гулзор ўртасига ўрнатилган катта керосин фонарь кечаси ёнганда нурлари таралиб, гулшан гулларини жилолантирган. Шийпонда «қирқ улфат» ўтирадиган жой бўлган. Бу табаррук кошонада улуғ рус ёзувчиси Алексей Толстой (рафиқаси билан), Садриддин Айний, Сўфизода, Ойбек, Мулла Тўйчи Ҳофиз, Юнус Ражабий, Юсуфжон қизиқ, ўнлаб ёзувчилар, санъаткорлар, адабиёт муҳиблари ташриф буюришган, донолар суҳбати, ҳаёт ва оила гўзаллиги шу масканда жўш урган. Лекин...

**Маъсуд Қодирий сўзидан:**

«Шийпонни дадамлар шаҳарнинг энг зўр усталарига буюртма бериб қурдирган эдилар. «Абдулла, бу шийпон шаклини ким топган?» деб сўрашса, дадам: «Бунинг андозасини Ленинградда кўриб келганман», дер эканлар. Эс-эс биламан, шийпонимиз атрофи гулзор, яшнаб турарди, дадамнинг кўп дўстлари келишарди. Шийпоннинг биринчи қавати қишда ҳам иссиқ бўлиб, у ерда гуллар баҳоргача очилиб ётарди. Дадам қамалганларидан кейин бутун оиламиз азоб чекди. Боғу-шийпон аллақандай бир ташкилотнинг базасига айлантирилиб, дарахтлари кесилди, ҳаммаёққа шағал ёткизилди, шийпон отхонага айлантирилди... Йўқ, вақтлар ўтиб, ҳақиқат қарор топиб, дадамиз оқлангач, боғ-шийпонимиз қайтариб берилди. Ерни шағалдан тозалаш, боғни асл ҳолига келтириш осон бўлмади».

Жулқунбой боғида яна турфа мевали дарахтлар, токлар, атиргулу райҳонлар барқ уриб яшнаб турибди. Катта ўғил Ҳабибулла ака «Абдулла Қодирийнинг уй-музейи очилса кўрк бўлсин» деган яхши ниятда бир пайтлар шийпон рўпарасига эски услубда янги уй қурган эдилар. Афсуски, марҳум Ҳабибулла Қодирий улуғ ёзувчи отасининг маскани уй-музей бўлганини кўролмай ҳаётдан кўз юмди. Жафокаш бу ўғил ота хотирасини абадийлаштириш, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида кенг маълумотлар қолдириш учун шифокорлик касбини давом эттириш билан бирга, «Отам ҳақида» хотиралар китобини мукаммал ҳолда бир неча бор нашр эттирди, асарларини тўплади, боғ-ҳовлини кўз қорачиғидек асраб, уни уй-музейга тайёрлади. Ҳаётининг сўнггигача уй-музейни ташкил этиш ҳақида турли ташкилотларга ва мутасаддиларга мурожаат қилди, улардан ваъда олди-ю, амалий вафо кўрмади. Улуғ ёзувчининг боғ-ҳовлисини уй-музейга айлантириш ҳақида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Тошкент оқшоми» ва бошқа матбуотларда истак, талаб ва тавсиялар чиқди, лекин ҳеч қандай тадбир кўрилмади.

**Тарих фанлари кандидати, этнограф Билол Аминов сўзидан:**

«Машҳур «Ўтган кунлар» романи муаллифининг боғ-ҳовлиси шу пайтгача уй-музейга айлантирилмаганлиги кишини ҳайратга солади. Бундай қараганда Абдулла Қодирий ўлмас асарлари билан ўзига бадиий ҳайкал яратиб кетганидек, уй-музейи учун ҳам икки қаватли ажойиб уй, кошона шийпон ҳам қуриб қўйган экан. Ёзувчи боғ-ҳовлисини уй-музейга айлантириш маданиятимиз хазинасига бебаҳо дурдона бўлиб қўшилади».

Афсус-надомат билан айтамизки, ажойиб кошона бўлган Абдулла Қодирий шийпони йиллар ўтиши билан (узоқ вақт ремонт қилинмагани учун) салобатини йўқотиб боряпти. Унинг ёнгинасидан ўтказилган ариқ суви, орқа томонга солинган иморат бу тарихий ёдгорликка путур етказаяпти. Тезда уни асраб қолиш чораси кўрилмаса, кейин аттанг деб қолиш ҳеч гап эмас, унда жуда кеч бўлади.

**Шеркон Қодирий сўзидан:**

«Бундан ўн йил илгари тошкентлик моҳир уста Носир ота Ғофуров «Ўтган кунлар» китоби ҳурматига ҳеч қандай ҳақ олмасдан уй-музейга дарвоза қуриб бермоқчи бўлдилар. Ўшанда дадам, уйимизни давлатимиз ўзи музей қилмоқчи, деб у кишига тасалли берган эдилар. Орадан йиллар ўтди-ю, уйимиз музей бўлмади. Дадам ҳам армон билан вафот этдилар. Носир ота «Дунёда ҳамма ғанимат, шу ниятимни амалга оширай» деб нақшин ғиштли дарвозани қурдилар, бобом қўли теккан ёғоч икки табақа ўртасига бир бўлак қўшиб, дарвозани ҳам ўрнатиб кетдилар. Бу ҳақда республика телевидениесида ҳам кўрсатув берилди. Қувончлиси шу бўлдики, яқинда Абдулла Қодирий таваллудининг 95 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳайъати томонидан юбилей комиссияси тузилди. Комиссия аъзоларининг ниятлари катта. Булар Абдулла Қодирий уй-музейини яратиш, ёзувчининг номини абадийлаштириш, тўла асарлар тўпламини чиқариш, «Самарқанд дарвоза» микрорайони бўйича амалга ошириладиган ишлардир. Бу ишлар амалга оширилса ҳаммамизнинг фахримиз бўлиб қолади».

Машҳур алломаларнинг таваллуд тўйи — халқ тўйи ва байрамига айланади. Абдулла Қодирий халқимиз адабиёти, маданияти ва маорифига улкан ҳисса қўшган, жаннатмакон боғ яратган, яхши фарзандлар ўстирган, миллионлаб китобхонларнинг қалбида яхшилик ва олижаноблик фазилатларини уйғотган буюк адиб эди. Унинг номи билан боғ-ҳовлисини музейга айлантириш, Самарқанд дарвозадаги замонавий чойхонадан ёзувчи боғигача бўлган жойлардаги тарихий кўча, уй ва боғ-ҳовлиларни аслича сақлаб қолиб, ободонлаштириш айни муддао бўлур эди. Шу билан бирга янгидан қуриладиган биноларда миллий руҳни сақлаш, қадимий ва замонавий меъморчилик анъаналарини уйғунлаштириш керак. Тошкентнинг Бош планини лойиҳалаш илмий-тадқиқот институти директори Л. Адамов, институтнинг илмий-тадқиқот ишлари бўйича директор ўринбосари Д. Латипов, «Самарқанд дарвоза» микрорайони бўйича Бош архитектори Ю. Мирошниченко, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳайъати котиби Т. Малик, ёзувчи ва шоирлардан П. Қодиров, Шукрулло, И. Раҳим, М. Аъзам, Ж. Абдуллахонов, ёзувчининг набираси Ш. Қодирий ва бошқалар куни-кеча боғ-музейни ташкил этиш лойиҳалари билан танишиб, кенг ва амалий равишда фикр-мулоҳазалар айтдилар, тадбир-чоралар белгиладилар. Биз ҳам «Самарқанд дарвоза» микрорайонида «Абдулла Қодирий массиви» деб аталган маскан бўлишини таклиф этамиз. Мана шу хайрли ишларнинг амалга ошишида Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва Тошкент шаҳар ижроия комитети актив фаолият кўрсатадилар деб умид қиламиз.

Тўлқин РАСУЛЕВ.







**СУРАТЛАРДА:** (юқорида) Абдулла Қодирий 1930 йилда қурдирган ўн устунли оқ шийпон.

⊙ Ёзувчи Қодирийнинг фарзандлари: қизлари Адиба, Аниса ва кенжа ўғли Маъсуд (1989 йил).

⊙ Абдулла Қодирий 1930 йилда ўзи қурган мана шу уйдан 1937 йил 31 декабрда олиб кетилган.

⊙ Моҳир уста Носир Ғуломов Абдулла Қодирий уй-музейи учун шарқона усулда қурган дарвоза (1989 йил). Дарвоза эшикларидаги икки табақани ёзувчи ўзи қўли билан ясаган, ўртадаги бир бўлакни уста қўшган.

Рустам Шарипов фотолари.

Жонажон Ватан бўйлаб



# Усталар шаҳри

Шеки — Озарбайжоннинг кўҳна шаҳарларидан бири. У халқ миллий санъатининг ажойиб намуналарини бизнинг давримизгача етказган ҳунарманд усталари билан машҳур. Йирик ҳунармандчилик ва савдо маркази ҳисобланган шаҳарда кулолчилик, темирчилик, қандолатчилик, шойига кашта тикиш айниқса гуллаб-яшнаган. Айтмоқчи, шойига кашта тикиш шу қадар машаққатли санъатки, қадим замонларда бу иш билан фақат эркаклар шуғулланишган. Шекиликлар айниқса ёғоч ўймакорлиги билан шуҳрат қозонишган. Улар нақшин эшик ва дераза ромларини битта ҳам мих ёки елим ишлатмай тайёрлашади. Ушбу ҳунарнинг сирлари авлоддан авлодга ўтиб келган, такомиллашган. Ҳозир ҳам шаҳарда қатор усталар меҳнат қилади. Улар ясаган буюмлар мамлакатимиздаги ва чет эллардаги музейларда намойиш этилмоқда. Мис ва сопол идишларсиз, келин сепининг таркибий қисми бўлмиш катта нақшин сандиқсиз, рўзғорда асқотувчи бошқа турли-туман буюмларсиз шекиликлар хонадонини тасаввур этиб бўлмайди. Бугунги кунда кооператив ҳаракати кенг ривожланаётганлиги туфайли, аҳоли уларни эркин харид қилиш имконига эга бўлмоқда.

**СУРАТДА: Улуғ Ватан уруши ветерани Микаил Керимов ясаган сандиқ ва ёғоч бешиклар.**

ТАСС фотохроникаси.

Турфа олам

### КИНГ-КОНГ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ДАВОМ ЭТАДИ

Кинг-Конг ҳақида ҳикоя қилувчи картиналар туркумидаги навбатдаги фильмни суратга олиш учун Калифорния фирмаларидан бири баландлиги тўққиз метрга тенг янги механик қўғирчоқни ясаб берди. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, у шу вақтга қадар фильмларни суратга олиш учун тайёрланган ўзи ҳаракат қилувчи объектларнинг энг каттаси ҳисобланади. Сунъий маймуннинг териси ўрнида Швейцариянинг «Циба-Гайги» компанияси ишлаб чиқарган, қайишқоқлиги ва эластиклиги билан ажралиб турувчи махсус уч қатламли полиуретандан фойдаланилган. Кинг-Конг махсус пневматик узатма ёрдамида ҳаракатга келтирилади.

### ҚИЗИЛ ЎТ

Майса ўт фақат яшил рангдагина эмас. Лос-Анжелесдаги Ботаника институтининг олимлари ана шундай хулосага келдилар. Улар майса ўтларнинг қирмизи, зангори, сариқ рангдаги ва ҳатто йўл-йўл рангдаги янги навларини яратишга муваффақ бўлдилар. Энг ғаройиб ўт яшил рангда бўлиб, унинг уч қисми бамисоли меваси каби қирмизи рангдадир.

### ЭНГ МИТТИ МИКРОФОН

Жаҳондаги энг митти микрофон конструкцияси Истамбулдаги Богазици университети (Туркия) профессори Иброҳим Каврак томонидан 1967 йилда ишлаб чиқилган. 10 герцдан то 10 килогерцгача диапазонда сезувчан ана шу ясси микрофоннинг катталиги бўйига 1, 524 миллиметрни, энига 0,762 миллиметрни ташкил этади.

### ПАРҚУ БУЛУТЛАР ОҒУШИДА

Швейцарияда баланд тоғ ресторани ишга тушди. Жаҳонда бу қадар юксакликда жойлашган бошқа ресторан йўқ. Ресторан Альп тоғларининг Юнгфрау чўққисида қад кўтарди. У билан ёнма-ён катта меҳмонхона жойлашган. Электр энергияси билан ишловчи агрегатлар ёнғинга қарши қудратли системалар билан жиҳозланган, сабаби бу ерга бирорта ҳам ўт ўчириш командаси чиқа олмайди. Махсус қурилма шунингдек комплексни кучли баланд тоғ шамолларидан муҳофаза қилади. Меҳмонларни бу ерга етказиш учун осма йўл бунёд этилган.

### КОМПЬЮТЕРЛАР ЕТКАЗГАН ЗАРАР

Маълумотларни ниҳоятда тезкор ишлаши, ҳисоб-китобларни аниқ олиб бориши туфайли компьютерлар ҳар нарсага қодир ва ҳеч қачон янглишмайдиган электрон сеҳргар сифатида шуҳрат қозонди. Аммо Австриянинг электрон-ҳисоблаш техникаси билан жиҳозланган фирмалари сўнгги вақтларда уларга ишонмай қўйишди. Сабаби, фақат ўтган йилнинг ўзида компьютерлар фаолиятидаги узилишлар ва белгиланган программадан четга чиқишлар натижасида Австрия экономикаси 1,5 миллиард шилингга тенг зарар лиард шиллингга тенг зарар кўрди.

### ХАВФСИЗ УСТУНЛАР

Маълумки, автомобилнинг йўл чеккаларидаги чегараловчи устунлар билан тўқнашуви яхшиликка олиб келмайди. ГФР мутахассислари ана шундай устунларни махсус полимердан тайёрлашни таклиф қилдилар. Машина ана шундай устунга урилган тақдирда, улар эгилади, сўнгра яна авалги ҳолига келади. Машина эса бундай «тўқнашув»дан ҳеч қандай зарар кўрмайди.

## Футбол мусобақасидан кейинги тартибсизликлар

● ҒАРБИЙ БЕРЛИН «Саарбрюкен» ва «Херта» командалари ўртасидаги футбол мусобақаси тугагач, Ғарбий Берлинда 200 га яқин футбол шинавандаси иштирок этган оммавий тартибсизлик рўй берди. Полициянинг хабар беришича, маҳаллий «Херта» командаси 1:2 ҳисоби билан ютқазиб қўйганидан кейин команда ишқибозлари тўсиқдан ўтишга ҳаракат қилиб кўрдилар. Аммо жамоат тартибини сақловчи кучлар футбол ишқибозларининг майдонга тушишига халақит бердилар. Орадан бир мунча вақт ўтгач, жунбушга келган оламон стадион атрофидаги кўчаларда полиция машиналарига бўш шишалар ва тошлар ота бошлади. Метрополитеннинг икки вагони ҳам жиддий шикастланди.

## Ҳиндистон божхона ходимларининг ҳушёрлиги

● ДЕҲЛИ. Яшикнинг бошқаларидан фарқи йўқ эди. Калькутта порти божхонаси ходими нега энди худди ана шу яшикни очишни талаб қилганлигини айтиш қийин. Контрабандистлар ўн мингдан кўпроқ илон пўстини Ҳиндистондан Ғарбий Европадаги портлардан бирига олиб чиқиб кетишга уриндилар.

Сўнгги йилларда экологик олимларнинг тавсиясига кўра, Ҳиндистон ҳукумати мамлакатдан ҳайвонот оламининг ноёб намуналарини ва улардан ясалган буюмларни олиб чиқиб кетишни тақиқлайдиган бир қанча чоралар кўрди. Аммо контрабанда оммавий тус олди. Божхона ходимлари дам-бадам илон пўсти, тимсоҳ териси солинган контейнерларни, ҳатто тирик ноёб қушлар солинган контейнерларни аниқламоқдалар, айрим сайёҳлар ва ҳинд гражданлари буларни багажда яшириб ўтишга уринмоқдалар.

(ТАСС).

# Кураш давом этмоқда

Шарҳчи сатрлари

Туркия суди Туркия бирлашган Коммунистик партияси (ТБКП)нинг раҳбарлари Ҳайдар Қутлу билан Ниҳат Саргин қилган «гуноҳлар салмоғи»ни ўз «адолат тарозисида тортиб» кўра бошлаганига 8 июнь куни бир йил тўлади. Уларни, хусусан, «қўпорувчилик фаолияти»да ва «коммунистик тарғибот олиб бориш»да айбламоқда. Прокуратура қилинган «жиноятлар»нинг ҳаммаси учун уларни жами 66 йил ва 6 ойга қаттиқ режимдаги қамоқ жазосига ҳукм қилишни талаб этаяпти.

Коммунистлар устидан Анқарада бўлаётган суд Туркия жамоатчилигини ғоят тўлқинлантираётган йирик сиёсий процессга айланиб кетди. Мамлакат аҳолисининг хилма-хил табақалари вакиллари Қутлу, Саргин ва уларнинг сафдошларини ҳибсдан дарҳол озод этилишини талаб қилиш билан чекланиб қолмаяптилар. Туркияда коммунистик партия фаолиятини қонунийлаштириш тўғрисидаги масала қўйилаяпти. Дарвоқе, Туркия Европада коммунистлар ғайриқонуний деб ҳисобланувчи ягона мамлакатдир. Европа парламентидек нуфузли халқаро ташкилот ҳам мазкур фактга ўз эътиборини қаратмоқда. Туркияни инсон ҳуқуқларига риоя қилмасликда ва умумий қабул қилинган ҳамда Европа иқтисодий ҳамжамиятида тан олинган эркинликларни бузишда айбламоқдалар. Бу расмий Анқарани қийин аҳволга солиб қўйди, чунки унинг ҳукумати «умумий бозор»га киришни ўзининг асосий сиёсий мақсадларидан бири қилиб қўймоқда. Шу тариқа, демократиялаш, ижтимоий тараққиёт Туркия учун давр талаби бўлиб қолди.

Туркия коммунистлари ҳам айни шу мақсадни кўзламоқдалар. Ўз ихтиёрлари билан ватанга қайтишга қарор қилган Қутлу ва Саргин турмушни демократиялашнинг мураккаб жараёнига қўлларидан келганча ҳисса қўшишга интилганликларини таъкидлашди. «Туркиядаги мавжуд шарт-шароитлар ҳозирча коммунистларга демократик кафолатлар бермаяпти, — деб таъкидлади Анқарага келиш олдидан Ҳ. Қутлу. — Лекин бундай шарт-шароитлар етилишини кутишга ҳам ҳожат йўқ». Биз, деди у, бу ишимиз туфайли осонгина муваффақиятга эришамиз, деб хом хаёл қилмаяпмиз. Лекин бу — озодлик учун кураш ҳаракатидир.

1987 йилнинг 16 ноябрида ГФРдан Анқарага келган самолётдан тушишлари биланоқ ҳибсга олинган Қутлу билан Саргиннинг мардлиги эътибордан четда қолмади. Туркия матбуоти берган хабарларга қараб фикр юритадиган бўлсак, мамлакатда Туркия компартиясининг ҳуқуқлари чеклаб қўйилиши адолатданмикан, конституциянинг айрим моддалари эскириб қолмаганмикан, деб ўйланиб қолишганлигини билиш мумкин.

Жамоатчилик фикридаги ўзгаришларни баҳолаб, Туркия бош министри Тургут Озал яқинда: «Туркияда Коммунистик партия тузишнинг ҳеч қандай айбситадиган томони йўқ», — деб таъкидлади. У «очиқ жамият ва эркин экономика» тузиш мақсадида конституцияга бир қанча ўзгартишлар киритиш муҳимлигини таъкидлади. Очиқ жамият тузилганида жиноят кодексининг компартия фаолиятини тақиқловчи 141 ва 142 моддалари бекор қилинадими, деб сўралганида Т. Озал: «шак-шубҳасиз», деб жавоб берди. Сиёсий партиялар раҳбарларининг аксарияти, касаба союз бирлашмалари, шу жумладан «Турк-иш» Туркия ишчи касаба союзлари конфедерацияси каби йирик ташкилот, Туркия юристлари коллегияси ҳам мазкур моддаларнинг бекор қилинишини ёқлаб чиқдилар.

Бироқ, адвокатларнинг талабларига қарамай, коммунистлар ҳали ҳам Анқара марказий қамоқхонасида ётишибди, нодемократик қонунларини бекор қилиш зарурлиги тўғрисидаги аризалар эса яхши ниятлигича қолаяпти. Яқинда бўлиб ўтган суд мажлисида Қутлу билан Саргиннинг адвокатлари аҳмоқона вазият вужудга келганлигини таъкидлашди. Бир томондан , деб таъкидлашди улар, компартия фаолиятига рухсат бериш имконияти тўғрисида гапирилаяпти, бошқа томондан эса — коммунистларни «давлат обрўсига путур етказадиган жиноятлар қилганликда» айблаб, уларни қамоқда ушлаб туришибди.

Туркиялик икки ватанпарварнинг машаққатли кураши давом этмоқда.

Алексей ЕРОВЧЕНКОВ (ТАСС).

